



ОИЛАДАГИ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Homidova Rayxona Orif qizi

Huquqni muhofaza qilish akademiyasi 2 bosqich magistratura
tinglovchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17802293>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 28-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 30-noyabr 2025 yil

KEYWORDS

оиладаги зўравонлик,
жиноят таркиби, қонунлар
интеграцияси, компаратив
таҳлил.

ABSTRACT

Мақолада оиладаги зўравонликка қарши қонунчиликнинг жаҳон миқёсидаги ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, жиноят қонунчилигида ушбу ҳодисага нисбатан махсус жиноят таркибларининг киритилиши, фуқаролик ва жиноят ишларининг интеграция қилинган модели, шунингдек давлат социял сиёсати ва молиялаштириш тизимининг аҳамияти ёритилган. Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения ва Германия мисолида Европа тажрибаси ўрганилади, айрим мамлакатларда қонунлар интеграцияси моделига ўтиш жараёнлари ёритилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг глобал эътироф этилган тадқиқотлари оилавий-маиший зўравонликнинг кенг қўламли ва ижтимоий оқибатлари оғир бўлган трансмиллий муаммо эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, ЖССТнинг маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёл ўз ҳаёти давомида турмуш ўртоғи ёки яқин шериги томонидан жисмоний зўравонлик ёки тазйиққа дуч келади. Турмуш қурган хотин-қизларнинг тахминан 30 фоизи хавфсизлик ва шаънига тажовуз қилувчи бундай ҳолатларни бошдан кечирганини эътироф этади¹.

Илмий манбаларда таъкидланишича, аёллар ўлими ҳолатларининг 38 фоизи турмуш ўртоғи ёки яқин шериги томонидан содир этилган зўравонлик оқибатида рўй беради. Бу эса оила доирасидаги зўравонлик нафақат жисмоний тан жароҳати, балки ўлим даражасигача етакловчи жиддий хавф омилларидан бири эканини кўрсатади. Шу билан бирга, зўравонликка дучор бўлган аёлларнинг атиги 42 фоизи ҳолат юзасидан очиқ сўзлай олади; қолганлари эса кўркув, ижтимоий тамға, ноқонуний жазоланишдан ҳадик, иқтисодий боғлиқлик ёки ҳуқуқий механизмлардан хабардор эмаслик сабабли сукунат сақлашга мажбур бўлади.

Оилавий зўравонликнинг кенг тарқалганлиги унинг фақат муайян минтақанинг ижтимоий-иқтисодий муаммоси эмас, балки жаҳон миқёсида долзарб бўлган комплекс ижтимоий-ҳуқуқий феномен эканини кўрсатади. Демократизация даражаси, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, гендер тенглиги сиёсати ёки маданий хосликлардан қатъи

¹ Глава . [Насилие дома и в семье — Наше право на защиту от насилия](#)

назар, бундай зўравонлик ҳолатлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида кузатилмоқда. Илмий адабиётларда оилавий зўравонлик шахсга қарши қаратилган тизимли тазйиқлар мажмуаси сифатида талқин қилиниб, унинг жисмоний, жинсий, психологик ва иқтисодий кўринишлари аёллар саломатлиги, репродуктив ҳуқуқлари, ижтимоий фаоллиги ва иқтисодий мустақиллигига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатиши таъкидланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар бу муаммони глобал хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланишнинг асосий таҳдидларидан бири сифатида баҳолайди. Халқаро ва минтақавий даражада олиб борилган замонавий криминологик тадқиқотлар оилага қарши жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш талаб этилаётганини ҳам назарий, ҳам эмпирик далиллар билан тасдиқлайди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) томонидан амалга оширилган муқоёса тадқиқотлари оилавий зўравонлик ва оилага қарши бошқа турдаги жиноятларнинг хусусиятларини ўрганишда демографик омиллар, жойнинг маданий-хусусий шарт-шароитлари, айниқса гендер тенглиги даражаси, патриархал меъёрлар, анъанавий роллар тақсимооти каби омилларни инобатга олган ҳолда минтақавий таҳлилларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. UNODC нинг илмий хулосаларига кўра, гендер мувозанати паст бўлган жамиятларда аёлларга нисбатан маиший зўравонлик кўрсаткичлари юқори бўлиши қайд этилган.

Кембриж университети ҳузуридаги Violence Research Centre томонидан ўтказилган комплекс криминологик тадқиқотлар эса оилада содир этиладиган зўравонлик жиноятларининг пайдо бўлишида ижтимоий-иқтисодий омиллар, жумладан ишсизлик, камбағаллик, алкоголизм, гиёҳвандлик ҳамда турмуш шароити ноқулайлиги асосий хавф омиллари сифатида намоён бўлишини тасдиқлайди. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу омиллар мавжуд жойларда жиноятларнинг зўрлик билан содир этилиши эҳтимоли бир неча баробарга ортиши аниқланган.

Case Western Reserve University тадқиқотчилари оилага қарши жиноятлар таркибида вояга етмаганлар жабрланувчи сифатида иштирок этиши улуши катта эканлигини илмий асосда кўрсатадилар. Тадқиқотларда болалар ва ўсмирлар аксарият ҳолларда ота-она ёки тарбиячилар томонидан зўравонликка дуч келиши, яъни жабрланувчининг ва жиноятчининг бир оилага мансублиги криминоген хавфни оширувчи омил сифатида намоён бўлиши таъкидланган.

М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети олимлари эса оилага қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид муаммоларни ҳуқуқий-назарий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, мавжуд қонунчиликнинг самарадорлиги, санкциялар тизими, жавобгарликнинг пропорционалиги ва профилактика механизмларининг институционал асосларини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Россия халқлар дўстлиги университети мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотларда оила доирасида содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи илмий асосда ёритилган. Тадқиқотларда жиноятнинг субъект таркиби, объектив томони, мотив ва мақсадларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда жиноятнинг латентлик даражаси чуқур таҳлил қилинган.

Иммануил Кант номидаги Балтиқ федерал университетининг илмий ишларида вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий хусусиятга эга жиноятлар кенг қамровда ўрганилиб, бу турдаги жиноятлар кўп ҳолларда оилавий муҳитда яширин шаклда ривожланишини кўрсатади. Болаларнинг ёш психологияси ва оилавий муносабатлар динамикаси билан боғлиқ омиллар мазкур жиноятларнинг аниқланишини қийинлаштирувчи ҳаётий омиллар сифатида баҳоланган.

Қозоғистон криминологик ассотсиацияси томонидан ўтказилган тадқиқотлар эса оила доирасида зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган жиноятларда, айниқса вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ҳолатларининг олдини олиш, профилактик ишларни самарали ташкил этиш ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларининг аҳамиятини юксак баҳолайди.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг асосий ҳуқуқий пойдевори сифатида оилавий зўравонликка қарши курашишда фундаментал аҳамият касб этади. Бош қомусда фуқароларнинг бир қатор индивидга дахлдор асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган бўлиб, улар оилада шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг конституцион кафолатларини шакллантиради.

Жумладан, Конституциянинг тегишли нормаларига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи тарздаги ҳар қандай тазйиққа дучор этилмаслиги шарт. Ушбу норма инсоннинг дахлсизлигини таъминловчи универсал ҳуқуқий принцип бўлиб, оилавий зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини қонун билан батамом инкор этишга йўналтирилган.

Шунингдек, Конституцияда эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамият ва давлат олдидаги тенг масъулиятлари асосий демократик қадрият сифатида эътироф этилган. Бу қоида гендер тенглигини ҳуқуқий асосда таъминлаш, шу жумладан оила муносабатларида тенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтиришга қаратилган. Конституция, шу билан бирга, фуқаролар зиммасига Конституция ва қонун талабларига риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш каби муҳим мажбуриятларни юклайди. Ушбу мажбуриятлар фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва оилавий муносабатларда низоларни муомала маданияти асосида ҳал қилишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, Конституция нормалари нафақат инсон ҳуқуқларининг энг юқори даражадаги кафолати сифатида, балки оилавий-маиший зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси сифатида ҳам амал қилади. Ушбу асосий қоидаларнинг барча фуқаролар томонидан қатъий риоя қилиниши жамиятда зўравонликни инкор этувчи ҳуқуқий муҳитни шакллантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистонда оилавий-маиший зўравонликка қарши тизимли курашни йўлга қўйиш ва унинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий базани шакллантириш борасида муҳим қадам сифатида 2019 йил 3 сентябрдан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги

Қонун амалдаги ҳуқуқий тизимга киритилди². Мазкур Қонун миллий қонунчилигимизда илк бор хотин-қизларга нисбатан зўравонликни мустақил ҳуқуқий категория сифатида белгилаб, унинг профилактикаси ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган комплекс механизмларни назарда тутди.

Қонун нормаларига кўра, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилган бўлиб, 2022—2026-йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023-йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси V-бобида хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатга асосан:

- Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказиладиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида хотин-қизлар ўртасида “Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” мавзусида учрашувлар ўтказиш;

- Жамоат ташкилотлари иштирокида “Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари”, “Оила муқаддас”, “Аёл эъзозда”, “Келин ва қайнона”, “Ибратли оила”, “Сиз қонун ҳимоясидасиз”, “Ўзбек аёли” мавзуларида давра суҳбатларини ташкил этиш;

- Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот материаллари, жумладан, махсус видеоролик, буклет, инфографика ва махсус флаерлар нашр эттириш белгиланди.

Қонун, шунингдек, Ҳукумат, маҳаллий ижро органлари, ички ишлар органлари, хотин-қизлар кўмиталари, ижтимоий хизматлар ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг соҳадаги ваколатларини институционал жиҳатдан аниқ белгилаб берди. Жумладан, зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, жабрланувчиларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш, зўравонликка мойил шахслар билан профилактик иш олиб бориш, ҳимоя ордерларини расмийлаштириш каби ваколатлар механизмлаштирилди.

Қонун билан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари ҳам назарда тутилди. Уларнинг амалга оширилиши натижасида зўравонлик ҳолатлари устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорати кучайтирилиб, жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи янги кафолатлар – хусусан, ҳимоя ордери институти жорий этилди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда оилавий зўравонликка қарши курашишни институционал асосда йўлга қўйиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва жамиятда гендер адолатини таъминлашда муҳим ҳуқуқий босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Бутун дунёда оила ва инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини шакллантиришда БМТнинг глобал дастур ва ёндашувлари асосий мезон вазифасини бажармоқда. Айниқса, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича дастурлари, Гендер тенглигини таъминлаш бўйича глобал

² Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709>

стратегияси ва аҳоли саломатлиги бўйича тавсиялари кўплаб мамлакатларда миллий оила сиёсатининг методологик асосини ташкил этади.

Бугунги кунда оиладаги зўравонликка қарши қаратилган қонунлар 47 та давлатда мавжуд. Баъзи давлатлар жабрланганларни дастлабки ҳимоя билан таъминлайдиган фуқаролик ҳуқуқи билан чегараланса, бошқа давлатлар эса бу ҳимояни янада кенгайтирган. Баъзи давлатлар эса фуқаролик ва жиноят ишларини узвийликда кўради.

Кўпчилик давлатлар жиноий ҳаракатларнинг янги таркибини белгилаб, уй-оилада содир этиладиган зуғумлар талқинини ўзгартирди. Кўпчилик давлатларда, масалан, Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения, Германияда оиладаги зўравонлик жиноят деб ҳисобланади. Баъзи давлатлар «қонунлар интеграцияси» йўлидан бориб, унда қонун чиқарувчи ҳокимият ва давлат тузилмаларининг қонун билан белгиланган давлат томонидан молиялаш тизимида оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича ижтимоий хизматлар яратиш ва дастурлар ташкил қилишда масъул эканлиги таъкидланган. нХусусан, кўпчилик мамлакатлар жиноят қонунчилигида уй-рўзғор муносабатлари тизимида содир этиладиган зўравонликка оид янги, махсус жиноят таркибларини белгилаб, ушбу ҳодисанинг ҳуқуқий талқинини қайта кўриб чиқдилар. Бундан кўзланган асосий мақсад оилавий-маиший муносабатларнинг хусусийлик йўли билан ҳимоя қилиниши ортида зўравонликни яширин қолдириш амалиётини бартараф этиш ва уни мустақил, жамият учун хавфли ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида баҳолашдир.

Европанинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения ва Германия қонунчилигида оиладаги зўравонлик алоҳида жиноят сифатида квалификация қилинади. Бу мамлакатлар жиноят кодексларида жисмоний зўравонлик билан бир қаторда руҳий, иқтисодий ва ижтимоий тазйиқни ҳам жиноий жавобгарлик асоси сифатида эътироф этган. Бундай ёндашув, аввало, зўравонликнинг турли шакллари ҳуқуқий аниқлаштиришга, жабрланувчини тўлақонли ҳимоя қилишга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Эван Старкнинг фикрига кўра, оиладаги зўравонликни фақат жисмоний тажовуз сифатида талқин қилиш нотўғри. Ушбу ҳодиса узоқ давом этувчи руҳий, иқтисодий ва ижтимоий назорат механизмларининг яхлит тузилмаси бўлиб, у «маиший зўравонликнинг институционал шакли» ни вужудга келтиради. Бошқа бир олим Старк таъкидлашича «Оилавий зўравонлик бу муайян бир вақтда содир бўладиган уриш ёки ҳақорат эмас, балки аёлнинг кундалик ҳаётини тўлиқ бошқариш ва назорат остига олишга қаратилган тизимли стратегия». Бу концепсия асосида Буюк Британияда 2015 йилдан мустақил жиноят таркиби сифатида эътироф этилди³.

Ромито таъкидлайдики, маиший зўравонлик жамиятда деярли ҳамма давр ва маданиятларда мавжуд, аммо кўпинча «кўринмас» ҳодиса сифатида қолиб кетади. Бунинг асосий сабаблари:

жабрдийдаларнинг ҳимоя тизимига ишонмаслиги;

³ Stark, E. Coercive Control: How Men Entrap Women in Personal Life. — New York: Oxford University Press, 2007. — 464 p.

гендер стереотиплари;

оилавий можароларни «уй ичидаги иш» деб баҳолаш.

Унингча, давлат сиёсатининг устувор йўналиши аҳоли онгини ўзгартириш ва зўравонликни «нормал ҳол» сифатида қабул қилишга қарши иш олиб боришдир⁴.

Шу билан бирга, қатор мамлакатлар «қонунлар интеграцияси» моделидан фойдаланган ҳолда, фуқаролик, жиноят ва ижтимоий ҳуқуқ нормаларини бир-бири билан уйғунлаштирган. Бу модель қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти ва маҳаллий давлат тузилмалари зиммасига оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва уларни реабилитация қилишга қаратилган чоратадбирларни давлат томонидан барқарор молиялаштириш мажбуриятини юклайди. Шу орқали:

зўравонлик ҳолатларига тезкор муносабат билдирувчи ижтимоий хизматлар;

эҳтиёжманд шахслар учун ҳимоя ва реабилитация марказлари;

болалар ва аёллар учун психологик ва ҳуқуқий ёрдам дастурлари;

профилактик ва таълимий механизмлар

яратилган ва уларнинг фаолияти қонун билан кафолатланган ҳолда амалга оширилади.

Бу каби интеграцион ёндашув оиладаги зўравонликка қарши курашишнинг комплекс ва тизимли моделини шакллантириб, давлат органлари, ижтимоий хизматлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиради. Канадада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик бўйича махсус федерал қонун мавжуд эмас. Шунга қарамай, 1994 йилдан бошлаб Жиноят кодексига аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган чоралар тизимини назарда тутадиган қўшимчалар (тузатишлар) киритилган. С-127 қонун лойиҳаси Жиноят кодексининг бир қисмига айланиб, унда номусга тегиш жиноятини «Жинсий ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар» қисмидан олиб, «Шахс ва унинг шаънига қарши ҳуқуқбузарликлар» қисмига ўтказиш назарда тутилган.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг таҳлилларига кўра, маиший зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди. Маиший зўравонлик ҳолати юқори иқтисодий мақомга эга бўлган оилаларда ҳам, кам таъминланган оилаларда ҳам бирдай намоён бўлади. Қолаверса, моддий таъминоти юқори бўлган оила аъзоларининг бу вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўраши нисбатан мураккаброқ экани аниқланган ва улар йиллар давомида зўравонликка чидаб келади.

Марказ таҳлиллари шундай: кундалик ҳаётда оила аъзолари (эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, ака-ука, опа-сингиллар) ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни 100% деб оладиган бўлсак, ундан оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши 34,8%, шахсга зўрлик билан руҳий таъсир кўрсатиш 30,8%, оилада ўз ҳукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти ҳаракатлар 7,8%, жинсий зўравонлик қилиш

⁴ Romito, P. A Deafening Silence: Hidden Violence Against Women and Children. — Bristol: Policy Press, 2008. — 272 p.

4,7%, қийнаш орқали руҳий азоб бериш 8,3%, қўрқитиш ва зулм қилиш 3,7% ни ташкил этади.

Оиладаги (маиший) зўравонликка қарши курашиш миллий ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро уйғунлашган, кўп омилли ва тизимли ёндашувни талаб қилувчи соҳаларидан биридир. Халқаро майдонда Истанбул конвенсияси, СЕДАВ БМТ Конвенсияси, БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга қаратилган резолюсиялари, Европа Иттифоқи ва Европа Кенгашининг тавсиялари оилавий зўравонликни инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилиши сифатида баҳолаб, давлат зиммасига комплекс мажбуриятлар юклайди.

Мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, оилавий зўравонликка қарши самарали курашишнинг асосий шарты ҳуқуқий ва институционал механизмларнинг узвий боғлиқлиги, фуқаролик, жиноят ва ижтимоий қонунчиликнинг интеграцияланган ҳолда қўлланилиши ҳисобланади. Финляндия, Белгия, Буюк Британия, Словения, Германия каби давлатларда оиладаги зўравонлик мустақил жиноят сифатида эътироф этилиши, мулти-агенсий соллаборатион орқали давлат тузилмаларининг биргаликда ҳаракат қилиши, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш бўйича хизматлар тизими шакллантирилгани бу соҳадаги илғор моделлардан бирини намоён этади.

Ўзбекистонда ҳам миллий қонунчилик тизими замонавий халқаро талабларга мос равишда ривожланмоқда. 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Ҳимоя ордери» институти, эҳтиёжмандларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш механизмлари, ички ишлар органларининг профилактик тузилмалари мазкур йўналишдаги ҳуқуқий пойдеворни яратди. Миллий тизимдаги ислохотлар халқаро стандартларнинг жорий этилиши, давлат органлари, ННТлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш билан тўлдирилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, зўравонликнинг барча шакллари руҳий, иқтисодий, жинсий ва ижтимоий тазйиқни ҳуқуқий аниқлик билан белгиловчи нормаларни мустаҳкамлаш, ҳимоя ордерларининг амал қилиш механизмлар тизимини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Умуман олганда, оиладаги зўравонликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро ҳуқуқий асослар шундан далолат берадики, бу масала фақат юридик чоралар эмас, балки инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ижтимоий барқарорлик ва давлат хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ комплекс муаммодир. Шу боис, ушбу соҳада самарали тизим барпо этиш давлат сиёсати, жамоатчилик онги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги узвий ҳамкорликка таянади. Ҳуқуқий механизмларнинг миллий ва халқаро тажриба асосида изчил ривожланиши оиладаги зўравонликка қарши курашишда барқарор, самарали ва инсонпарвар ҳуқуқий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи жамият тараққиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу борада ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, амалий механизмларнинг самарали ишлаши ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ижобий натижалар бермоқда. Келгусида ушбу соҳада халқаро тажрибани кенг жорий этиш, профилактик тадбирларни кучайтириш ва

хуқуқий маданиятни ошириш орқали аёлларни ҳимоя қилиш тизимини янада мукамаллаштириш зарур

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Глава . Насилие дома и в семье — Наше право на защиту от насилия
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709>
3. Stark, E. Coercive Control: How Men Entrap Women in Personal Life. — New York: Oxford University Press, 2007. — 464 p.
4. Romito, P. A Deafening Silence: Hidden Violence Against Women and Children. — Bristol: Policy Press, 2008. — 272 p.

